



Дастлаб юзидаги чандиги туфайли у менинг эътиборимни тортганди. Чандик энли ва кизгиш бўлиб, унинг иягигача тушганди. Бу чандик хунук жарохатдан далолат берар ва мен уни килич ёки снаряд парчасининг иши бўлса керак, деб ўйлагандим. Бу ерларда унинг тўладан келган, кулимсираб турадиган юзи кўзга галати кўринарди. Унинг юз бичими корувли гавдасига номутаносиб эди. Келбатидан ўрта бўйли одамларга караганда кучли кўринарди. Мен уни доимо кўп кийилган кўлранг костюмда, мошранг кўйлак ва соябони катта эски шляпада кўрардим. Афт-ангори хийла кир эди. Хар куни одам гавжум пайтида у Гватемала Ситидаги Палас Отелга келар ва лотерея билетларини сотишга уринарди. Мен ҳеч қачон бу билетларни сотиб олганини кўрмаганман, аммо гохи-гохида унга ичиш учун бирор нарса таклиф қилишаётганига кўзим тушарди. У столлар орасидан юрар, бироз кулимсираган киёфада хар бир стол олдида тўхтаб, лотерея билетларини таклиф қилар ва ўзига эътибор беришмаган пайтларда худди шундай табассум билан нари кетарди. Назаримда, у кўпинча ширакайф юрарди.

Бир куни кечкурун танишим билан ковокхонада ўтирганимизда ўша чандикли киши бизнинг олдимизга келди. Адашмасам, бу ерга келган пайтларимдан бери йигирманчи мартадир, у менга лотереяларини чўзди. «Йўк» деган маънода бошимни чайкадим. Лекин хамрохим илтифот билан унга салом берди.

«Ишлар қалай, генерал?»

«Унча ёмон эмас. Бизнес юришмаяпти, лекин бундан баттар бўлиши ҳам мумкин эди».

«Нима ичишни хохлайсиз, генерал?»

«Бренди».

У брендини ичди ва қадахни қайтиб пештахтага қўйди. Хамрохимга қараб бош ирғади.

«Раҳмат».

Шундай деб у ортига бурилди ва биздан нарироқда турган одамларга лотереяларини таклиф қила бошлади.

«Дўстинг ким? - сўрадим мен. - Юзидаги чандиги жуда ваҳимали-ку»

«Ха, чандик унинг хуснига хусн қўшмаган, тўғрими»?..

У никарагуалик кувгинди. Йўлтўсар ва боскинчи бўлгани билан барибир ошна сифатида ёмонмас. Гохи-гохида мен унга озрок чака бераман. У исёнда катнашган, кўзголончилар қўшинида генерал эди. Агар ўки тугаб колмаганида, ҳукуматни ағдарарди ва ҳозир у Гватемалада лотерея сотиб юриш ўрнига харбий министр бўларди. Уни штаби билан бирга қўлга олишиб, харбий судда суд қилишди. Ўзинг биласан, бу давлатларда бунақа ишларни хаш-паш дегунча тинчитишади. У тонгда отувга ҳукм қилинди. Назаримда, қўлга олингандаёқ у ўзини нима қутаётганини билган. Ҳукм ижро этиладиган пайтгача у

вактни турмада ўтказди. Камокхонада улар жами беш киши эди, хаммалари вақтни покер ўйнаб ўтказишди. Ютукни хисоблашда улар гугурт чўпларидан фойдаланишди. Айтишича, ҳаётда ҳеч қачон бунчалик омадсизликка учрамаган: у кетма-кет, бутун ўйин давомида ютказди. Тонг отиб, аскарлар камокхонадан уларни катл қилиш учун олиб чиқишга қелишганларида, у бир одам ҳаётида ишлатиши мумкин бўлганидан ҳам кўпроқ гугурт чўпини бой берганди.

Улар камокхона ховлисига олиб чиқилди ва бешови ҳам ёнма-ён, деворга тираб тургазилди, курулланган гуруҳ уларга юзма-юз турарди.

Орада озрок танаффус бўлди ва ошнализ гуруҳни бошқараётган офитсердан нима учун уни кутишга мажбур қилишаётганини сўради. Офитсер кўшин кўмондони - генерал катлда иштирок этишга хоши билдирганини ва унинг етиб қелишини кутишаётганини айтди.

«Демак, битта сигарет чекиб олишга вақтим бор экан», деди бизнинг ошнализ.

Бирок у эндигина сигаретини ёндирганида генерал ховлига кириб келди. Одатдаги расмиятчиликлар бажарилди ва генерал маҳкумларда: «Катл ижро этилишидан аввал қандай тилакларинг бор?», деб сўради. Беш кишидан тўрттаси «йўқ» дегандек бошларини чайкашди. Лекин бизнинг ошнализ:

«Ҳа, мен хотиним билан видолашсам дегандим», деди

«Яхши, - деди генерал. - Бунга эътирозим йўқ. У қаерда?»

«Камокхона эшиги олдида кутиб турибди».

«Беш минутдан кўп вақт бермайман».

«Бу вақт етиб ортади, жаноб генерал».

«Уни четга олиб чиқинглар».

Иккита аскар олдинга чиқди ва мавҳум исёнчи уларнинг ўртасида, кўрсатилган жойга юриб борди. Генерал бош иргаб розилик берганидан сўнг, курулланган гуруҳни бошқарувчи зобит отишга буйруқ берди ва тўрт киши йиқилди. Улар галати тарзда, бирин-кетин, бекўнақай ҳаракатлар билан йиқилишди. Худди жонсиз кўгирчоқдай. Офитсер уларга яқинлашди ва битта чалажон маҳкумнинг устига қелиб, револверини бўшатди. Бу пайт ошнализ сигаретини чекиб бўлди.

Дераза қия очилди. Аёл ховлига тез-тез юриб кирди, кейин кўккисдан кўли кўксида, тўхтади. У йиглаб юборди ва узатилган кўллари билан олдинга югурди.

«Жин урсин», деди генерал.

Аёл қора қийимда, сочларида тўр, юзи эса мурданикидек оппоқ оқариб кетган. У бўй етган қиздан бироз каттароқ кўринар, қичкина қиройли юзли ва катта кўзли хурлико эди. Югурганида оғзининг хиёл очилгани ва қиройли юзидаги изтироб унга шундай назокат бағишладики, ҳатто қараб турган бекўтибор аскарлар ҳам хайратдан «ех» деб юборишди.

Исёнчи уни қарши олиш учун бир-икки қадам олдинга юрди. Аёл ўзини унинг кўлларига отди ва «жоним» деган эҳтиросли хайкирик билан исёнчи лабларини унинг лабларига босди. Шу пайт у йиртик кўйлаги ичидан пичоқ сугуриб олди - хайронман, қандай қилиб у пичоқни яшириб юришни уйдалаган экан - ва аёлнинг бўйнига пичоқ урди. Қесилган шохтомирдан тиркираб қон отилди ва исёнчининг кўйлагини бўяди. Кейин у кўллари билан аёлни маҳкам ушлаб, лабларини унинг лабларига босди.

Бу шунчалик тез рўй бердики, кўпчилик нима бўлганини англамай ҳам қолди, лекин бошқалар даҳшатдан бақириб юборишди: аскарлар олдинга сакрашиб, уни ушлаб олишди. Қизни эса ерга ётқизишди, бирок энди қонни тўхтатишнинг иложи йўқлигини

билишарди. Бироздан кейин кизнинг олдига тиз чўкиб турган офитсер ўрнидан турди.

«Киз ўлди», пичирлади у.

Кўзголончи чўкиниб олди.

«Нима учун бундай килдинг?», сўради генерал.

«Мен уни севардим».

Тўпланиб турган одамлар «ох» тортиб юборишди ва таажжуб билан котилга карашди.

Генерал сукут саклаб, унга бироз тикилиб каради.

«Бу мардлик, - деди генерал ниҳоят, - мен бу одамни катл этолмайман... Машинамни олиб уни чегарага элтиб кўйинглар. Мен сени хурмат киламан, сенор. Чунки бир жасур эркак бошка жасур эркакни хурмат килиши керак».

Исёнчи бир сўз демай, икки аскар ўртасида, кутиб турган машинага караб юрди.

Дўстим гапиришдан тўхтади ва мен жимиб колдим. Айтишим керакки, у гватемалалик эди ва менга испан тилида гапирди. Мен ҳам унинг айтганларини кўлимдан келганча сизга хикоя килдим, бироқ унинг анча бўрттирилган нутқини ўзгартиришга уринганим йўк.

Ростини айтганда, менингча, бу хикояга ярашади.

«У чандикни қандай килиб орттирган?» - сўрадим мен ниҳоят.

«Ў-ў, бунга шиша бутилка сабаб бўлган. У очаётган пайтда идиш ёрилиб кетган.

Занжабил виносининг идиши».

«Бу нарсани умуман ёктирмайман», дедим мен.

Алишер Отабоев таржимаси